

Хулкар Ой

ТОМЧИ

(Шеърлар)



«НАМАНГАН» нашриёти
2006

84(55)6-5 438, 624, 2328
—Шеърлар

Ю32199
0




Хулкар Ой (Хулкар Сулаймонова) 1988 йил 17 февралда Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Гулдиров қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топган.

1993 - 2004 йилларда Гулдиров қишлоғидаги 13-мактабда ўқиган. Ҳозир Чортоқ педагогика коллежида таҳсил олмоқда. Унинг шеър ва мақолалари туман, вилоят ва республика матбуотида, илмий тўплам ҳамда журналларда чоп этилган.

«Гулдиров қишлоғи» рисоласи унинг биринчи китобидир.

498-953,64-1125150
НГ _____ 2005.
499-2,-(11)-05



© Хулкар Сулаймонова «Томчи» «Наманган» нашриёти

ДЎСТЛАРИМГА

*«Сизнинг борлигингиз нақадар яхши...»
Эслатиб турасиз уйғоқлигимни
Саратонда ёққан ёмғир сингари.*

*Сизнинг борлигингиз нақадар яхши...
Ёдимга соласиз: «Ёлғиз эмассан!»
Бор бўлгани каби қалбнинг чироғи.*

*Сизнинг борлигингиз нақадар яхши...
Дунёда ўзимнинг мавжудлигимдек
Эрка юрагимнинг азиз ардоғи...*

*Сизнинг борлигингиз нақадар яхши...
Асли бир - бирига елкалашмоқдир
Бу қадим очунда инсон қисмати.*

СОҒИНЧ

*Баҳорим - эй, жуда соғиндим,
Юрагимда бир дунё оҳим.
Келақолинг гўзал баҳорим
Ёмонлардан бўлгин паноҳим.*

*Гоҳо ҳасад юкин ташласа
Гулларингга беркинай аста.
Избо бир кун кўнглим гашласа
Ёмғиринг - ла сен ювиб ташла*

ШЕЪР ИШҚИ

*Эрта тонг шамоли майин эсмоқда,
Чертиб қалбимдаги нозик торларни.
Майин, шўх овози жисмим кезмоқда,
Юзиб оламдаги бор ауборларни.*

*Оқ булут кўксиди орзу сузмоқда,
Қачон ушаларкин эзгу муроди?
Ёмғир ҳам юзимга аста ёғмоқда,
Гулнинг юзидидаги шабнам мисоли.*

*Ё раб, бу қандайин ширин бир туйғу,
Қушчалар чаҳ - чаҳи ақлим олади.
Томчи устидаги ажиб бир ёғду,
Юракка шеър ишқин салаверади.*

ИШҚ ЮРТИНИНГ ҚАҚРОҚ ЧЎЛИГА

*«Юр муҳаббат кетдик бу ердан»
Кўзимизда армон ёшлари.
Умид йўқдир бу қаро ердан
Бизни кутар бахт қуёшлари.*

*Юр кетайлик олис осмонга
Ғанимларнинг кўнгли кетмасин.
Хор қилмасин бедард ёмонга
Бевафонинг қўли етмасин.*

*Юр кетайлик бақо йўлига
Охир бир кун, Ҳаққа етамиз.
Ишқ юртининг қақроқ чўлига
Томчи бўлиб сингиб кетамиз.*

ЙИҒЛАДИМ БУГҮН

*Кулишни билмаган одам бахтсиз одам,
йиғлашни билмаган одам икки ҳисса
бахтсиз.*

Ўткир Ҳошимов.

*Ушалмаган орзулар учун,
Сароб бўлган туйғулар учун,
Мени енгган қайғулар учун,
Тўйиб-тўйиб йиғладим бугун.*

*Қароғимда шабнам шашқатор,
Бўлди дунё кўзларимга тор,
Бағрим йўиб такрор ва такрор,
Тўйиб-тўйиб йиғладим бугун.*

*Дийдаларим тўлгани сайин,
Чўкиб қолди бу Она замин,
Бахтим излаб бўлдим-ку дилхун,
Тўйиб-тўйиб йиғладим бугун.*

ТҮРТЛИКЛАР

*Югуриб ўтаман узун йўللاردан,
Қўлимда ишончининг маёғи бордир.
Тарихнинг дарёси - азим чўللاردан,
Менга боболарнинг руҳлари ёрдир.*

*Мен ҳали яшайман, яшайвераман,
Дунёда бор экан меҳр-муҳаббат.
Онамнинг ишончин оқлайвераман,
Орзу бор боқийдир бу қўҳна ҳаёт.*

*Ёғиб ўтди баҳор ёмғири,
Майинлиқни қайдан олган у?
Баландмикин унинг гурури,
Жуда сокин унда йўқ қайғу...*

*Кўп нозланма, илҳом париси,
Етар энди шунча куттирмоқ!
Ҳиммат қилгин, фурсат ўтмасин,
Бўлай мен ҳам дарёга ирмоқ.*

*Кўклам қайтар ҳар йил биз томон,
Аммо ёшлиқ қайтмас, беомон.
Шундай экан борида фурсат,
Изланаман, ёзаман фақат.*

БИР КУНИ

Бир кун

Узоқдан

Келаётган нур

Сендан совуётган

Қалбимга

Олов солади...

Ва яна

Кейин

Сабр билан

тайёрланиб тур

Менинг оташ

муҳаббатимла

Шу нурга қўшилиб

кетишинг тайин!

ИЗЛАЙМАН...

Излайман

Бетоқат, бетин

Хонамда изгийман, йўқ..

Ноилож кўчага чиқаман

Уни қидираман жуфт нигоҳлардан

Йўқ - йўқ. У ҳам бездимикан кўп

гуноҳлардан?

*Излайман...
Умидвор бўлиб атайин
Чиройли юзлардан, ширин сўзлардан
Тополмадим нетай, нетайин?!
Йўқотдим, йиғлайман уни соғиниб.*

*... Охири чақираман унинг номини
Иш он ч, қа е р д а с а н?!
Бирдан юрагим тўлғона бошлар
Оловдек отилиб келади бир сас
«Ўзгадан қидирма, қалбим тирналар,*

*Мен шу ердаман,
Ишонавер рос(т)!»*

ИЛТИЖО

*Оппоқ қор ёғмоқда
Юрагимдек оқ
Оппоқ худди капалаклардек.*

*Оппоқ орзу ёғмоқда
Армонимдек оқ
Учгим келаётир капалаклардек*

*Оппоқ нола ёғмоқда
Оҳларимдек оқ
Кетмагил ёшлигим*

*Қалбимдан йироқ
Учиб кетаётган
Капалаклардек.*

ЖАВОБ

*... Кўзлар, кўзлар, чиройли кўзлар
Кечагина бахтдан яшнаган кўзлар,
Қувончдан ўзгасин кўрмаган кўзлар.
Бугун нега йиғлоқи бўлиб қолдингиз?
— Мени мажбур этдилар.*

*... Юрак, юрак, бахтиёр юрак
Орзулари қордан оқ юрак.
Туйғулари сувдан пок юрак,
Бугун нега гамдан толдинг?
— Мени мажбур этдилар.*

*... Рухим, рухим, покиза рухим,
Оппоқ капалакдай беозор рухим.
Баҳор гулларидай бегубор рухим,
Сен нега қовоғинг солдинг?
— Мени мажбур этдилар.*



А Л А М

*Бугун алам чегарадан ўтиб кетди,
Армон юрак чокларини сўкиб кетди.
Кўнглим ўйин тўлдирган зўр орзуларим,
Шумтирашиб остонада қолиб кетди.*

*Алам ўлсин, пок ҳисларга душман экан,
Армон ўлсин, орзуларга пайкон экан,
Умид қилдим, бу кун эзгу ниятларга,
Ишонч асли бир суянчиқ - қалқон экан.*

*Ёлгон дунё, найрангларинг кўриб тўйдим,
Шунда ҳам пок орзуларни дилга тўйдим.
Асло энди қайгу, алам кирмасин деб.
Юрагимни гул баргига ўраб қўйдим.*

ЎТИБ КЕТДИ

*Бугун алам чегарадан ўтиб кетди,
Армон юрак чокларини сўтиб кетди.
Кўнглим ўйин тўлдирган зўр орзуларим,
Шумтирашиб остонада қолиб кетди.*

*Алам ўлсин, пок ҳисларга душман экан,
Армон ўлсин, орзуларга пайкон экан,
Умид қилдим, бу кун эзгу ниятларга,
Ишонч асли бир суянчиқ-қалқон экан.*

*Ёлгон дунё, найрангларинг кўриб тўйдим,
Шунда ҳам пок орзуларни дилга тўйдим.
Асло энди қайгу, алам кирмасин деб.
Юрагимни гул барига ўраб қўйдим.*

ГУНОҲЛАР

Гуноҳлар -
қордай оппоқ
кўмирдай қора
гуноҳлар!

Гуноҳлар -
пахтадай енгил,
тоғдай оғир -
гуноҳлар

Гуноҳлар -
зоҳ билиб,
зоҳ билмай
қилинган -
гуноҳлар!

Гуноҳлар -
рўзи маҳшар
тарозуга
тош бўлар, тортилар -
гуноҳлар!

Гуноҳлар -
яшаганим сари
кўпаяр, ортар -
гуноҳлар!

Юрак сезар,
қалбим ҳис этар,
бир қуни
бутунлай
савобга айланар
улар - гуноҳлар!

ЮЛДУЗ

*Фалакнинг гардиши чайқалса агар,
Дунёда адолат бўлганида хор.
Ишонч бўлиб қолса топилмас гавҳар
Вафо бўлиб турар эдим мен.*

*Тоза туйғуларга юққанджа аубор
Соддалик ўрнини олганда кибор.
Барчасин учуриб кетгандай бир-бор
Сабо бўлиб турар эдим мен.*

*Юртимга кўз тикса нобакор заним,
Курашардим бордир танимда жоним.
Қолса ҳам томирда бир томчи қоним
Тумор бўлиб турар эдим мен.*

*Ўтсайдим дунёдан қолдириб бир из
Ахир мен келмадим очунга бежиз.
Заминдаги чақноқ бир ёруз юлдуз —
Ўлкар бўлиб турар эдим мен.*

СИНГЛИМГА

*Тонг отгандан кечгача,
Вақт ўтганин билмайман.
Эркалатиб қучаман
Бошқа юмуш қилмайман
Кун ҳам ботди, сингилжон,
Ҳамма тинч олар ором.
Сен ухла, қақажон,
Тезроқ улаай, бўл омон.*

ЎЗБЕКИСТОНИМ

*Менинг улуг Ватаним - Она тупрогим
Самодай бағри кенг жаннат маконим.
Дунё ичра ягона нурли диёрим
Алломалар юртидир Ўзбекистоним.*

*Ҳар сиқим тупрогинг олтиним менинг,
Ўғлонинг алп, қизларинг отиним менинг.
Бошимга қўнган бахт қушим менинг
Дунё тургунча тургин, Ўзбекистоним.*

КЎКЛАМ

*Баҳорнинг нафаси уфуриб ҳар дам,
Қумуш қишнинг зийнати топиб барҳам.
Баҳор кўкатлари минг дардга малҳам,
Кўклам яна қайтиб келаверади.*

*Навбаҳор қуёши нурларин сочиб,
Табиат гўзаллик эшигин очиб,
Қўнғилдан ғам-ташвиш, қайгулар қочиб,
Кўклам яна қайтиб келаверади.*

*Зилол булоқларни сувлари шифо,
Митти ниҳолларга этар жон ато,
Мажнунтол сочлари улашиб ибо,
Кўклам яна қайтиб келаверади.*

*Инсонлар қалбида ширин бир туйғу,
Тоғлардан боғларга таралар ёғду,
Баҳор елларида сеҳр ила жоду,
Кўклам яна қайтиб келаверади.*

ЎХШАГИМ КЕЛАДИ

*Меҳрингиз ҳамиша дилимга жодир,
Қалбингиз ҳокисор топилмас нодир,
Эзгу ҳислатингиз ёзай, бир жаҳон,
Ўхшагим келади Сизга, Дадажон!*

*Келажакда буюк инсон бўлсам мен
Меҳрим бўлса эди осмонларга тенг,
Шунда ҳам айтаман баралла бийрон,
Ўхшагим келади Сизга, Дадажон!*

М У Н Д А Р И Ж А

Дўстларимга.....	3
Согинч	3
Шеър ишқи.....	4
Ишқ юртининг қақроқ чўлига	4
Йигладим бугун	5
Тўртликлар	6
Бир куни	7
Излайман.....	7
Илтижо	8
Жавоб	9
Алам	10
Ўтиб кетди	10
Ғуноҳлар	11
Юлдуз	12
Синглимга	12
Ўзбекистоним.....	13
Кўклам.....	13
Ўхшагим келади	14

Адабий-бадий нашр

Ҳулкар Сулаймонова

Т О М Ч И

шеърлар

Мухаррир: **М. АКМАЛОВ**
Тех. муҳаррир: **Ғ. МУЛЛАБАЕВ**
Саҳифаловчи **И. ТОШХОЖАЕВ**
Мусахҳиҳ: **С. ЯҲЁЕВ**

24.02.06. да теришга берилди. 12.04.06. да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84. 1/32. Ҳажми 0,5 босма табоқ. Газета қозоғига офсет усулида чоп этилди. Адади 1000 нусха. Буюртма 222. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Манзили: Наманган шаҳри, А.Навоний кучаси, 36-уй

«Чуст босмахонаси» МЧЖ Чуст шаҳри, Сўфизода кучаси, 8-уй.